

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА БАҒДОД “НИЗОМИЯ” МАДРАСАСИНING ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ БАГДАДСКОГО МЕДРЕСЕ «НИЗОМИЯ» В ПЕРИОД СЕЛЬДЖУКСКОЙ ДИНАСТИИ

HISTORY OF ESTABLISHMENT “NIZOMIYA” MADRASAH OF BAGHDAD IN THE PERIOD OF SELJUK DYNASTY

Muxlisa N. MIRZAEVA,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,

PhD student, researcher of the

UNESCO chair on religious studies and the
comparative study of world religions.

muxlisamirzaeva@gmail.com

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/PAU/2023/4/7

Аннотация: 1038-1194 йилларда ҳукмронлик қилган Буюк Салжуқийлар давлати умавийлар (661-750) ва аббосийлардан (750-1258) кейинги мусулмон давлатчилиги тарихида учинчи йирик салтанат ҳисобланади. Ана шу улкан турк-мусулмон салтанати ташкил этилганидан сўнг Ислом дунёсининг шарқидаги турли давлатларда араб-форс сулолаларининг таъсири сусая бошлаган янги давр бошланди. Шундан бошлаб кўп асрлар мобайнида Шарқдаги сиёсий раҳнамолик асосан турк сулолалари ихтиёрида бўлиб келди.

Салжуқийлар давридаги маънавий-маърифий ва маданий соҳаларда амалга оширилган ишлар ўз даври учун тараққиётнинг улкан чўққисини ташкил этди. Минглаб жомеълар, юзлаб мадрасалар ва таълим масканлари давлат ва амалдорлар ҳомийлигида бунёд этилди. Бунинг натижасида мамлакатда таълим тараққий қилди, халқ маърифатли, кишилар эса зиёли бўлиб бордилар. Ўлканинг ҳар тарафида бепул ва илк маротаба идрор (стипендия) асосидаги таълим тизими жорий этилди. Ҳаттоки, энг оддий оиланинг фарзанди ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса салжуқийлар салтанатидаги тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор бўлганлигидан даракдир.

Таълимда дин (эътиқод)нинг асосий гоё сифатида илгари сурилиши Вазир Низомулмулк (1017-1092) олиб келган энг муҳим янгилик бўлди. Бундан аввалги мактаб ва мадрасалар муайян гоёларга эга эмас ва кадрларни етиштириш ҳам мукамал даражада эмас эди. 1067 йили Бағдодда ташкил этилган “Низомия” мадрасаси ашъарий ва шофеъий таълимотларини ҳимоя қиладиган

кучли олимларни тайёрлаш учун қурилди. Мадраса ташкилотчиларининг кўпчилиги вазир Низомулмулк каби сиёсий ёки диний гоёларга эга эдилар. Сунний йўналишида фаолият олиб борган ва асарлар ёзган ҳанафий, шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳабидаги олимларнинг аксарияти “Низомия” мадрасасида таҳсил олганлар. Уларнинг ёзган асарлари ва ислом цивилизациясига қўшган ҳиссалари бевосита ушбу мадраса фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мадрасада нафақат диний илмлар, балки табиий фанлардан ташкил топган дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. “Дор уш-Шифо” каби марказлар мадраса яқинида жойлашган бўлиб, олинган билимлар амалиёти билан тадбиқ этилган.

Ушбу мақолада “Низомия” мадрасалари ўзининг нуфузи, олимлари, талабалари ва ҳатто, илми амалиёти билан жорий этиши жараёнлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада Салжуқийлар даврида ташкил этилган Бағдод “Низомия” мадрасаси, унинг тарихи, вақфи, мадрасадаги таълим-тарбия ва бошқарув, устозларнинг тайинланиши, дарс дастурлари, ўқитиш методлари, кутубхонаси ва мадрасанинг йўқ бўлиб кетиши воқеида ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Низомулмулк, Маликшоҳ, “Низомия” мадрасалари ботинийлар, Бағдод, Буюк Салжуқийлар давлати.

Аннотация: Государство Великих Сельджуков, правивших в 1038-1194 годах, является третьим по величине государством в истории мусульманского государства после Омейядов (661 – 750) и Аббасидов (750 – 1258). После создания этого огромного турецко-мусульманского королевства началась новая эпоха, когда влияние арабо-персидских династий стало ослабевать в различных странах востока исламского мира. С тех пор на протяжении многих столетий политическое руководство на Востоке находилось преимущественно в руках турецких династий.

Работа, проводившаяся в сфере духовности, просветительства и культуре в период Сельджуков, была выдающимся достижением для своего времени. Под патронажем государства и чиновников были построены тысячи мечетей, сотни медресе и учебных заведений. В результате образование в стране развивалось, люди в общей массе становились умнее и просвещеннее. По всей стране впервые была введена бесплатная система стипендиального образования. Даже ребенок из самой скромной семьи без труда получал право на образование. Это показатель того, что принципы равенства и социальной справедливости в государстве сельджукидов были приоритетом.

Продвижение религии (веры) как основной идеи в образовании было важнейшим нововведением, принесенным Вазиром Низамулмульком (1017-1092). До этого у школ и медресе не было конкретных идей, а подготовка кадров была несовершенной. Медресе «Низомия», основанное в 1067 году в Багдаде, было построено для подготовки сильных ученых, защищавших

учения ашаритов и шафиитов. Большинство организаторов медресе, как и Вазир Низамулмулк, поддерживали определенные политические или религиозные идеи. В медресе «Низомия» обучалось большинство учёных ханафитских, шафиитских, маликитских и ханбалитских сект, работавших в суннитском направлении и писавших труды. Их труды и вклад в исламскую цивилизацию напрямую связаны с деятельностью этого медресе. В медресе преподавали не только религиозные, но и светские науки, представленные естественными науками. Такие центры, как «Дор уш-Шифо», располагались рядом с медресе и применяли полученные знания.

Медресе «Низомия» оставили значительный след в истории благодаря своей безупречной репутации, ученым, студентам и даже внедрению науки в практику. В статье приводятся сведения о багдадском медресе «Низомия», основанном в сельджукский период, его истории, оснащении, об образовании и управлении в медресе, назначении преподавателей, программах занятий, методах обучения, библиотеке, а также реальности исчезновения медресе.

Ключевые слова: Низам аль-Мулк, Маликшах, медресе «Низамия» батиниты, Багдад, Великая империя Сельджуков.

Abstract: The state of the Great Seljuks, which ruled from 1038 to 1194, is the third largest state in the history of the Muslim state after the Umayyads (661-750) and Abbasids (750-1258). After the creation of this huge Turkish-Muslim kingdom, a new era began when the influence of the Arab-Persian dynasties began to decline in various countries in the East of the Islamic world. Since then, for many centuries, political leadership in the East has been predominantly in the hands of Turkish dynasties.

The work carried out in the spiritual, educational and cultural spheres during the Seljuk period was an outstanding achievement for its time. Under the patronage of the state and officials, thousands of mosques, hundreds of madrasahs and educational institutions were built. As a result, education in the country developed, people became smarter and more intelligent. A free scholarship system of education was introduced throughout the country for the first time. Even a child from the most poor family easily gained the right to education. This is an indication that the principles of equality and social justice were a priority in the Seljuk kingdom.

The promotion of religion (faith) as the main idea in education was the most important innovation brought by Wazir Nizamulmulk (1017-1092). Before this, schools and madrasahs had no concrete ideas, and staff training was imperfect. The "Nizamiya" Madrasah, founded in 1067 in Baghdad, was built to train strong scholars who defended the teachings of the Ash'arites and Shafi'is. Most of the madrasah organizers, like Wazir Nizam al-mulk, had political or religious ideas. Most of the scholars of the Hanafi, Shafi'i, Maliki and Hanbali sects who worked in the Sunni direction and wrote works studied at the "Nizamiya" madrasah. Their

works and contributions to Islamic civilization are directly related to the activities of this madrasah. The madrasah taught not only religious sciences, but also secular sciences, consisting of natural sciences. Centers such as "Dor ash-Shifo" were located next to the madrasah and applied the acquired knowledge.

In this article, the processes of implementation of knowledge by the practice of "Nizomiya" madrasahs are researched, including their authority, scholars and students. The article provides information about the Baghdad "Nizamiya" madrasah, founded in the Seljuk period, its history, education and management in the madrasah, appointment of teachers, lesson programs, teaching methods, library, as well as the reality of the disappearance of the madrasah.

Key words: Nizam al-Mulk, Malikshah, the madrasah "Nizamiya" madrasahs, Baghdad, the Great Seljuk Empire.

КИРИШ

Давлат таракқиёти ва ривожда илмий марказларнинг ўрни бениҳоя юксак эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Маърифат ва маданият борасида ўз даврининг машхур ва маълум мадрасалари, кутубхоналари, академиялари, илмий тадқиқот марказлари ва обсерваториялари шулар жумласидандир. Қолаверса, илмий даргоҳлар жамият маънавияти ва интеллектуал салоҳиятидан ҳам дарак бериб туради. Айни шу ҳолат салжукийлар салтанати учун ҳам хосдир. Бу давр илм-фан ва маданиятда эришган ютуқлари ва ташкил этган маърифат масканлари билан алоҳида ажралиб туради.

1067 йилда очилган, ўз замонасига кўра энг юксак бир таълим даргоҳи деб эътироф этилган «Низомия» мадрасаларининг вазир Низомулмулк тарафидан очилиши Салжукийлар салтанатида таълим соҳасига қанчалик муҳим эътибор берилганининг бир белгисидир. Чунки Салжукийлар даврига қадар бундай турдаги тизим дунёнинг ҳеч бир ерида мавжуд бўлмаган (Ҷелеби А. 1976:31-86). «Низомия» мадрасалари олимларнинг бир жойда қўп сонли шогирдларга таълим берадиган бир муассаса сифатида ташкил қилинган эди.

Х асрда Шиа ҳаракатининг Ироқ ва Мисрда сиёсий муваффақият қозониши натижасида шиа эътиқоди очик тарғиб қилина бошлади. Фотимийлар «ал-Азҳар» (988 й.) мадрасасида шиа тарғиботини кенг ёйиб, сунний ақидага зид фаолият олиб бордилар. Қолаверса, ўзларига мос ҳадис ва қисман фикҳ яратиб, марказий имомлик доктринаси хизматини кўрсатиб, таълим масканларини таъсис этдилар (Ҷелеби А., 1976:31-86). Бу тизим Буюк Салжукийлар даврида сунний ақидага зид бўлиб, сиёсий бирликка таҳдид соларди. Сабаби

салжуқийларда сиёсий бирликнинг энг муҳим омили “Аҳли сунна вал-жамоа” ақидасини бутун, тўғри ва тизимли шаклда ўргатиш ва унинг ёйилишини таъминлашга асосланарди. Салжуқийлар яширин ҳаракатлар ва тарғиботларга нисбатан ҳарбий ёки зўравонлик билан эмас, фикр ва ғоя билан қарши туришни танладилар, бунинг учун эса “Низомия” мадрасаси каби таълим муассасаларини таъсис этдилар (Yurdaydin H., 1982:63).

УСЛУБЛАР

Тадқиқот мавзусини ёритишда буюк алломаларимиз ҳаёти ва уларнинг бой илмий-маънавий меросларини чуқур ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маърузаларида илгари сурилган кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда ҳолис, тарихи-қиёсий, мантиқий таҳлил қилиш, диний бағрикенглик тамойилларига асосланган тадқиқот услубларига асосланилди.

НАТИЖА

Салжуқийлар давлатининг олим ва талабалар учун, вақф асосидаги бепул таҳсилни таъминлаган мадрасалари, Нишопурдан кейин Бағдодда 459/1067 йилда “Низомия” номи мадраса бунёд этилиши билан давом этди ва шу суръатда бутун мусулмон ўлкаларга тарқалди. Вазир Низомулмулк даставвал тарқоқ бўлган ва хусусий шаклда ташкил этилган таълим тизимини бир дастурга бирлаштириб давлат ҳимоясида ривожланишини таъминлади (Kafesoğlu İ., 1996:373; Kafesoğlu İ., 1972:174).

Араб олими ва ёзувчиси Закариё Қазвинийга (1203-1283) кўра, Султон Алп Арслон (1029-1072) вазир Низомулмулк (1017-1092) билан Нишопурда жомеъ дарвозаси олдида кийимлари тўзғиган ёшларни кўриб сабабини сўраганда вазир унга: “Булар инсонларнинг энг шарафлилари бўлиб, дунё завқига берилмаган илм толибларидир”, деган жавобни беради. Шу сабабдан, султон уларга бир маскан ва маош тайин этилишини амр этади (Şeker M-Genç S. 1999:156). Вазир Низомулмулк узоқни кўра олди, фавқулудда заковати билан бу тизимнинг фарқига борди ва “Низомия” мадрасаларининг қурилиши учун керак бўладиган ишларни асосли ва тизимли шаклда тартиблади. Вазир Низомулмулк замонида қурилган “Низомия” мадрасалари ташкилий ва таълим-тарбия жиҳатидан замонасининг энг яхши намунаси бўлиб, давлат

ҳимоясига олинган, диний илмлар билан бир қаторда аниқ фанлар ҳам ўрганиладиган жой эди. Вазир Низомулмулк Бағдодда Абу Исҳоқ Шерозий (1003-1083)га юборган мактубида, “Низомия” мадрасасини маълум бир мазҳабни ҳимоя қилиш учун эмас, илмни ҳимоя қилиш ва юксалтириш ғояси билан қурганларини, мазҳаблараро тафриқаланиш сиёсатини кўзламаган-ларини билдирган таъбирлари, дин ва фикр эркинлиги ҳақидаги соғлом ғоя ва сиёсатнинг энг гўзал намунаси ҳисобланади (Turan O., 2015:312). Бағдоддан кейин Исфаҳон, Рай, Марв, Балх, Ҳирот, Басра, Мосул, Амул ва ҳатто, Доғистоннинг Цахур (Цахур ёки Захур Доғистон қишлоқларидан бири бўлиб, Салжуқийлар давлати таркибига кирган. 1075 йилда Цахурда “Низомия” мадрасаси бунёд этилган)шаҳрида ҳам “Низомия” мадрасалари қурилди (Mevdudi., 1971:33). Султон Маликшоҳ (1055-1192) ва Вазир Низомулмулк замонларида бундай йирик шаҳарларда қурилган мадрасаларнинг барчаси “Низомия” номини олди ва кейинчалик, турли номлар билан бошқа мадрасалар ҳам пайдо бўлди.

МУҲОКАМА

Вазир Низомулмулк 457/1065 йилда Абу Саъд Аҳмад Нишопурийга (ваф. 476/1065) “Низомия” мадрасасини қуришни буюрди. Мадраса қурилиши икки йилдан сўнг тугади. Унинг харажатлари 60.000 динарга етгани нақл қилинади. 10.12.459/1067 йилда шанба куни бўлган очилиш маросими катта дабдаба билан бўлиб ўтди. Бағдод халифаси эътиборли аъёнлар билан бирга маросимни бошқарди. Ибн Баттута (1304-1369) шундай ривоят қилади: “Шу куни шаҳарнинг барча аҳолиси мадраса ҳовлиси ва унинг атрофидаги маҳаллаларни тўлдириб юборди” (Ibn Esir. 1991:X:18).

Вазир Низомулмулк амрига биноан шофеъий мазҳабида бўлган фақиҳ Абу Исҳоқ Шерозий “Низомия” мадрасаси устози (ректори) этиб тайинланган. Абу Исҳоқ Шерозий мадрасанинг очилиш куни биринчи дарс учун барча нарсалар тайёрлаб қўйилганига қарамай мадрасага келмади. Уни ҳар жойдан ахтардилар, лекин топа олмадилар. Ўша куни фақиҳ Абу Исҳоқ Шерозий мадрасага келар экан, “Эгасидан куч билан тортиб олинган ерда қурилган мадрасада қандай қилиб дарс берасиз?”, деб савол берган бола тарафидан қаршиликка учрагани ривоят қилинади. Боланинг сўзлари унга таъсир қилиб, дин фидойиси ва кучли орият соҳиби бўлган Абу Исҳоқ уйига қайтиб кетади ва очилиш маросимига бормайди. Уни

кидирадилар, аммо топа олмайдилар. Абу Наср ибн Саббағ унинг ўрнига олиб келинади ва илк дарсни ўтиб, “Низомия” мадрасасини очиб беради. Шундай бўлса-да, ўқувчиларнинг талаблари ва қайта-қайта илтимосларига биноан Абу Исҳоқ ўз фикрини ўзгартиради ва ўзига берилган вазифани қабул қилади. Мадрасага 20 кун устозлик қилган Абу Насрнинг ўрнига Абу Исҳоқ қайта тайинланади.

Абу Исҳоқ бир боланинг саволидан таъсирланиб очирилишга келмагани борасидаги ривоят тўғри бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳеч қайси манба бу воқеанинг ҳақиқатан бўлгани борасида маълумот бермайди. Бу бола “Низомия” мадрасасининг ўзларига келтирилиши мумкин бўлган зарарларни олдиндан сезган ва ақидаларини бузиш, ашъарийларнинг обрўсини кўтариш, ва таълимотларини ёйиш учун ушбу мадрасанинг қурилганини билган ботинийлар томонидан юборилган бўлиши мумкин. Чунки Ботинийлар имомга тузоқ қўйиб, бу мадрасанинг муваффақиятига халакит беришга ҳаракат қилдилар. Зотан, бу хулосага келиш учун етарли сабаблар бор эди. Ботинийлар ўз фитналарини амалга ошириш учун ҳамиша болалардан фойдаланганлар.

“Низомия” мадрасаси вақфи ва муҳофазаси. Муаррих ва илоҳиётчи Сибт ибн ал-Жавзий (1186-1256) ва тарихчи ибн ал-Асир (1160-1233/34) ифода этганлари каби (Ibn Esir, 1991:I:39-40), мадраса муҳофазаси ва қурилишига хизмат қиладиган катта маблағли вақф (фонд) ташкил этилди. Ушбу вақфнинг даромадлари устоз ва талабаларга етарли даражада эди. Вақфдан уларга ойлик маош, озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа эҳтиёжлари таъминлаб берилган. Бу вақфнинг бир йиллик харажати 15.000 динар бўлган деб тахмин қилинади. Ушбу муассасада узоқ вақт давомида фаровонлик ҳукм сурган деб ҳисобланади. “Низомия” мадрасасини 562/1160 йилда зиёрат қилган сайёр араб шоири Ибн Жубайр (1145-1217), вақф даромадлари хали-хануз мадраса муҳофазаси ва таъмир харажатлари билан бирга маъмурларнинг ойлик маошларини ҳам таъминлаб келганини нақл қилган. Бу вазият VIII/XIII аср охирига қадар давом этган, бу даврга қадар вақфларнинг бир қисми амирлар ва олийжаноб кишилар бошқаруви остида бўлган мамлакат жомеълари ва мадрасалари ихтиёрида бўлган (*Ālūsī Mahmūd Şükrî*, 1927:102-103).

“Низомия” мадрасаси бошқаруви. “Низомия” мадрасаси бошқаруви вазир Низомулмулкда эди. У фарзандларини ва айниқса, буюк шофёрий олимлар орасидан танланган вакилларнинг ушбу мадрасага ворис бўлишларини истади. Вазир Низомулмулкнинг сулоласи бу мадрасани VII/XII

асрга қадар ўз қўлида тутди. Унинг охириги вориси Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Вазир Низомулмулк (ваф. 617/1220) эди (Dubaysi., No. 5922, 172).

Энг машҳур ворислари эса Ҳасан ибн Саъд ибн Ҳасан Ҳаванжий; Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдуллатиф Аздий; Юсуф ибн Абдуллох Мароғий; Муҳаммад ибн Мулий ибн Абдулкарим Қазвиний (Subki., 1324:IV:214., As-Safādi., 1931:I:122)лар бўлган.

Вазир Низомулмулк сулоласи йўқ бўлиб кетгандан кейин, Бағдод халифаларининг шахсан ўзлари мадраса бошқаруви ва устозларини тайинлаш ишларини ўз қўлларига олдилар. Кутубхоначи ва тарихчи Ибн Фувати (1244-1323) шундай нақл қилади: “Халифа, 712/1312 йилда бошликлар бошлиғи Шариф ‘Изиддин Абул Фаади Ҳошимий Мансурийга “Мустансирия” ва “Низомия” мадрасалари бошқарувини топширди. Шундай қилиб “Низомия” мадрасаси яна ўз фаровонлигига эришди”. Бу муассасага вазир Низомулмулк ҳар бир маъмур, устоз, унинг ёрдамчиси ва ҳатто қоравулни ишга қабул қилишда уларнинг шофёрий-ашъарий бўлишларини шарт қилиб қўйган эди. Вазир Низомулмулкнинг ворислари ҳам бу анъанани давом этдирдилар. Буюк олим Абу Бақр Муборак ибн Абу Толиб Важиҳ Даҳхоннинг (532/1137-612/1215) грамматика курсини эгаллаш учун ханбалий мазҳабини тарк этиб, шофёрийликни қабул қилишга мажбур бўлгани, адабиётдан таҳсил олаётган Али Фосих Абу Ҳасан Асрободий (ваф. 516/1122)нинг шиа экани аён бўлгач, мадрасадан ҳайдалгани нақл қилинади (Yaqut, 1323:VI:514).

Кейинчалик, бу масалалар биров енгиллашган деб айтиш мумкин. Ханбалий олим фақиҳ, муҳаддис ва араб тарихчиси Ибн Жавзий (1116-1201), шофёрий мазҳабида эмаслигига қарамай, “Низомия” мадрасасига устоз бўлган. Балки у кенг дунёқараши ва ўта машҳур бўлгани туфайли бу мадрасага қабул қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Устозларнинг тайинланиши ва ижтимоий вазиятлар. Вазир Низомулмулк ва авлодлари даврида устозлар ва уларнинг ёрдамчиларини вазирнинг буйруғи асосида тайинлаш одат эди. Вазир Низомулмулк вазир Низомулмулкнинг фарзандларидан биридир. Тайинлов буйруғини олган янги маъмур Бағдодга келар ва ўзини халифага таништирар эди. Халифа буйруқни тасдиқлагандан кейин мовий жубба (чакмон) ва қора салладан иборат бўлган кийим-бошни устозга (ректор) ёки унинг ёрдамчисига тортиқ қиларди (Р.П.Анастас Дозийнинг асари ва “Тарих ал-Мамалик” асарларига

таянган ҳолда устозларга тақдим қилинган мовий чакмон узун шол рўмолга ўхшаш бўлган, жубба эса султон маъмурларга берган қора рангли туника бўлган деб ифодалайди).

Биринчи дарс юксак мақомдаги маъмурлар, устозлар, олимлар ва шоирлар ҳозирлигида муайян маросим шаклида ўтган. Дарс тугаши билан янги устоз (ректор) шарафига суҳбатлар қилинган (Ibn Fuvati., 1351:374).

Халифа баъзан бу маросимларда шахсан ўзи ҳам иштирок этган. Халифа ўз атрофида юксак шахсиятлар билан бирга буюк олим Аҳмад ибн Исмоил ибн Юсуф Қазвинийнинг илк дарсида иштирок этгани ривоят қилинади. Янги келган устозлар, мавжуд урф-одатга асосланиб, катта зиёфат бериши ва бу зиёфатга барча устозлар ва талабаларни таклиф қилиши мажбурий бўлган. Исломо илоҳиётчиси, шофеъий мазҳаби фақиҳи, ашъарий, суфий ва шайх ул-ислом Тождуддин ас-Субкий (1327-1370), Абу Шошийга таянган ҳолда шундай ривоят қилади: “Вазир Низомулмулк Абу Ҳомид ал-Ғаззолийни 484/1091 йилда устоз (ректор) этиб тайинлаганида, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий бу одатга бўйсунмади, бироқ бу ҳолатдан талабалар хафа бўлмадилар” (Mukhamedov Nematullo, 2020:4-15). Вазир Низомулмулк ёки авлодларининг Бағдоддаги вакили устоз (ректор) ёки унинг ёрдамчисини ишдан олиш учун, устоз (ректор) ҳатто минбарда бўлса ҳам чақириб олар, (махсус) кийимларини ечиб олиб, унга оқ йўл тилар эди.

“Низомия” мадрасасига ўқитувчиликка ишга кириш осон иш эмас эди, вазифани қўлга киритиш учун жамиятда имом ёки олим сифатида юксак савия ва машҳурликка эга бўлиш талаб этилган. Бу мадрасанинг устозлари (ректорлари) машҳур кишилар ва Бағдоднинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта таъсирга эга бўлганлар. Муҳаддис, тарихчи ва адабиётшунос Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113-1167) қуйидагиларни нақл қилади: “Абу Муҳаммад Абдурроҳман ибн Ҳасан Табарий, “Низомия”да минбар эгаси (ректор) бўлиш учун мактаб қуриш, машҳур инсонларнинг диққатларини тортиш, тавсияларини олиш ва ёрдамларига ноил бўлиш учун озмунча елиб-югурмади” (Subki., 1324:IV:244)

Мадраса ректорлари ва уларнинг ёрдамчиларига, султонлар ёки Бағдод халифалари тарафидан сиёсий мақсадда элчилик вазифаси юклатилган. Устоз (ректор) Муҳаммад Муборак Мужир Васатий салжуқийлар султони тарафидан хоразмшоҳларга дипломатик вазифа билан юборилган (Subki., 1324:IV:305). Маждуддин Яҳё

ибн Рабиъ 4 йил давомида сиёсий вазифа билан Ғазнавий Шихобиддин Муҳаммад ибн Сомнинг ёнига элчи этиб тайинланган (Ibn es-Sa’i, 1320:45, 143, 174, 297). Бу элчилар, шуҳрат ва нуфузга эга эканликлари туфайли миллатлараро зиддиятлар, салжуқий султонлар ва бошқа шоҳлар орасида юзага келган тушунмовчиликларни бартараф этишда муваффақият қозонганлар.

“Низомия” мадрасаси исломдаги бошланғич таълим (куттаблар) ўрта ва (қисман) олий таълим (жомеълар) тизимларидан айрилмаган ҳолда, баъзи ўзгаришларни юзага келтирди. “Низомия” мадрасаси учун тадқиқот режаси керак эди ва бу режа таълимнинг ўша даврдаги ҳолатига мос бўлиши талаб этилди. “Низомия” мадрасаси жомеъ ва кутубхоналарнинг умумий йиғилишларида аввалдан амалиёт ўтаган кишиларнинг таълимини ҳам ўз зиммасига олди. Шу сабабдан, ўрта мактаб жомеъ ва куттабларни ўз ичига олган бўлса, олий таълим “Низомия” мадрасасига берилди. Шунинг айтишимиз керакки, таълим тубдан ўзгарди ва тартибли режа асосида бунёд бўлди. Шубҳасиз, бу ўзгаришлар жараёни секин ва умумий бўлган.

Диний мафкура йўлида қурилган “Низомия” мадрасаси дин кишиларини етиштирди. Айниқса, таълим ва тарбия тизимида муайян бир шакл берди. “Низомия” мадрасасида дарслар турфа ва чуқур мавзулардаги кенг дастурга амал қилиш билан бирга диний ёки динга яқин мавзуларга йўналтирилган эди. Француз шарқшуноси, ношир, форс, турк ва араб тиллари таржимони Клемент Харт (1854-1926) бу ҳақда шундай дейди: “Буюк вазир Вазир Низомулмулк тарафидан Бағдодда бунёд этилган “Низомия” мадрасасининг қурилиши билан жуда кўп грамматик ва ёндош илмлар таҳсили бир бошқарув остига бирлашди”. Бу вазиятда, араб тили грамматиги ва филологи, Бағдод “Низомия” мадрасаси устози Ибн Жаваликий (1073-1144)нинг араблар тарафидан иқтибос қилинган хорижий сўзлари ва нотўғри атамаларни изоҳлагани, ханбалий фақиҳи Ибн Ҳамдоннинг (1206-1295) тарихий ва филологик онтология унсурларини тузиб чиқиши, араб тили ва адабиёти, фақиҳ ва мутакаллим Ибн Даҳхоннинг (ваф. 1181) шеър тадриси, Ибн Анборийнинг араб тили тезлигини изоҳ этиши, Уқборийнинг мерос тақсимоотида ҳуқуқий қийинчиликларни ҳал этиш учун арифметик қобилятини ишга солгани кўринади”, дейди у (Huart Cl., 1931:182).

Кл.Хартнинг бу фикрлари, “Низомия” мадрасаси диний ғоя билан боғлиқ деган фикримизни рад этмайди. Кл.Харт томонидан зикр этилган диний бўлмаган фанлар шофеъий таълимотига зарар

келтирмаган, аксинча “Низомия” мадрасасида бу илмлар тадрисига жиддий киришилган. Шу билан бирга, ашъарий олимлар тарафидан рад этилган ва қабул қилинмаган умумий фалсафа ва метафизикага чекловлар бўлган.

“Низомия” мадрасасининг асосий устозлари ва ёрдамчиларининг биографияси таҳлилларига кўра, бу мадрасада ўргатилган мавзуларнинг умумий режаси қуйидагича бўлган:

- 1-Қуръон ва Қуръон илмлари.
- 2-Ҳадис ва унга оид илмлар.
- 3-Шофеъий усули фикҳи ва ашъарий каломи.
- 4-Шофеъий фикҳи.
- 5-Араб тили ва унга оид илмлар.
- 6-Адаб (адабиёт) ва унга оид илмлар.
- 7-Риёзиёт ва Фароиз (арифметика ва мерос тақсимооти билан боғлиқ илм).

ТАҲЛИЛ

“Низомия” мадрасаси олий таълим бўлгани учун ўқитишда муайян метод бўлган деб айтиш мумкин эмас. Чунки, устозларга ҳеч қайси метод таклиф этилмаган ёки мажбурланмаган. Устозларнинг ҳар бири эркин тарзда ўз ўқитиш методига эга бўлган.

Швецариялик шарқшунос, арабшунос профессор Адам Мец (1869-1917) ўзининг “Мусулмон Ренессанси” асарида, мадрасада берилган бир дарснинг ҳолатини шундай ифодалайди: “Умуман олганда (дарс), (бомдод) намоздан кейин бошланар эди ва талабалар намозни ўз устозлари билан бирга ўқирдилар. Дарслар Ҳазрат пайғамбар (с.а.в)га айтилган салоту салом ва бошқа диний сўзлар билан бирга, бир қори тарафидан Қуръони каримни қироат қилиш билан бошланар эди” (Mez A., 1937:172).

Дарс методларидан бўлган ёзиб олиш, шунчаки оддий имло тизими эмас эди. Чунки, талабалар манбани ташкил этувчи матнлардан бўлган бир нечта намуналардан нусха олиб секин-аста кўчириб борар эдилар. Матн баланд овозда ўқилар, устоз матнни изоҳлар ва тўғрилаш керак бўлган ўринларини айтар эди. Ўқитиш методида устоз-шогирд ҳамкорлиги ва ўзаро савол-жавоблар ҳамиша муҳим аҳамият касб этган.

Немис шарқшуноси, араб адабиёти тарихчиси Гетдинген университети профессори Генрих Фердинанд Вюстенфельд (1808-1899) мадрасадаги таълим тизимидан баҳс этар экан, шундай дейди: “Европа христиан университетида бўлгани каби, жомеъ ва мадрасаларда баъзан хулосаланмаган (охири тугалланмаган) муноқашалар бўлар эди. “Низомия” мадрасасининг устозлари ҳам шунга

ўхшаш мунозараларни олиб боришган” (Wüstenfeld F., 1870:9).

Андалуслик шоир, сайёҳ ва араб географи Ибн Жубайр (1145-1217) Бағдодни зиёрат қилиб, Имом Розиюддин Қазвиний тарафидан 580/1184 йил “Низомия” мадрасасида уюштирилган анжуманда иштирок этгандан кейинги таассуротларини баён қилади: “Пешин намозидан кейин, устоз минбари атрофидаги курсиларда ўтирган талабалар Қуръони каримдан бир бўлимни (пора) қироат билан ўқий бошладилар. Кейин устоз тингловчилар қаршисида Қуръондан бир оятни ҳадис билан бирга шарҳ ва таржима қилган ҳолда дарс берди. Баъзи тингловчилар навбати билан устозга савол бердилар. Устоз саволларга хайрихоҳлик билан жавб берди. Бошқалар эса ёзилган саволларни устозга тақдим қилдилар. Устоз барча саволларни жамлагандан сўнг, кетма-кет уларнинг ҳар бирига жавоб берди ва дарс окшомга қадар давом этди”. Ибн Жубайрга кўра бу “Низомия” мадрасасидаги бир қанча устозлардан бирининг ўқитиш методи муаррих, илоҳиётчи ва муҳаддис ас-Саҳавий (1428-1497), қози, факих, муаррих ва муҳаддис Ибн Аби Яъла (ваф. 1131) ва бошқа муаллифлар ҳам қолган устозларнинг ҳам шу метод асосида дарс берганларини таъкидлайдилар (Shotibi., 1939:37).

“Низомия” мадрасаси кутубхонаси ва унинг маъмурлари. Вазир Низомулмулк қурдирган мадрасалари билан шахсан ўзи машғул бўлди ва ҳар бир мадраса таркибида бир кутубхона ҳам қурдирди. Марвдаги “Низомия” мадрасасини зиёрат қилиб, ўз хайратани яширмасдан бу ҳақда баён қилган географ, тарихчи адиб ва сайёҳ Ёкут Ҳамавий (ваф. 1229) унинг қийматли кутубхонаси бўлганини таъкидлайди. Худди шундай кутубхоналар Исфаҳон ва Нишопурдаги “Низомия” мадрасаларида ҳам мавжуд эди. Исфаҳон кутубхонаси 542/1147 йил шофеъийлар ва ҳанафийлар орасидаги зиддият асносида вайрон қилинди. Нишопур кутубхонаси ҳам гуззлар (ўғузлар) тарафидан 548/1153 ёки 556/1161 йилда шаҳар фатҳи асносида вайрон этилди. Адиб ва муаррих Имодуддин Исфаҳоний (519/1125-597/1201) шундай нақл қилади: “Вазир Низомулмулк бирор шаҳарда олим кишига дуч келса, унинг учун мадраса қурдирган. Мадрасани вақф ва қимматли кутубхона билан жиҳозлаган” (Imoduddin Isfahoniy., 1900:45).

Шофеъий мазҳаби олими, илоҳиётчи, ашъарий, суфий ва шайх ул-ислом Тождуддин ас-Субкий (1327-1370)га кўра, вазир Низомулмулк кишиларни ўзларидаги қимматбаҳо китобларни унга беришига тарғиб қилган, олимлардан ёзган китобларидан бир

нусха беришларини хоҳлаган, Ироқ ва Эрондаги мадрасаларнинг кутубхоналари шу китоблар билан бойитилган. Тожуддин ас-Субкий: “Бой олим Абу Юсуф Абдуссалом ибн Бундар Қазвиний (ваф. 488/1095) жаҳонда ягона нусха бўлган тўрт асарни, яъни Имом Абу Умар ибн Ҳаюяҳ томонидан ёзилган Иброҳим Ҳарбийнинг 10 жилдлик “Ғариб ал-Ҳадис”, Абу Мансур томонидан ёзилган Кумйет ибн Зайднинг 13 жилдлик “Девон”и, Соҳиб ибн Аббод томонидан ёзилган Қози Абдулжабборнинг “Аҳд”ини ва тилла суви билан ёзилган қимматбаҳо Қуръонни вазир Низомулмулкка тақдим қилди. Вазир Низомулмулк эса бу қимматбаҳо китобларни Бағдоддаги “Низомия” мадрасаси кутубхонасига ҳадя қилди” (Subki., 1324: III: 230).

Бу кутубхона, халифалар ва олимларнинг жўмардлик билан қилган ҳадялари эвазига бойиб борди. Тарихчи ат-Тиктака (1262-1309), аббосийлар сулоласидан бўлган Бағдод халифаси Носир Лидийниллаҳ (1180-1225)нинг буюк файласуф Мубашшир ибн Аҳмад ибн Али Розий Бағдодийдан “Дор ал-Хилофат” кутубхонасидан энг қийматли китобларни танлаб, “Низомия” мадрасаси кутубхонасига вақф қилишни истаганини, ривоят қилади. Бошқа тарафдан, Ибн Баттута (1160-1233/34) га кўра, шу халифа “Низомия” кутубхонасининг эски биносини таъмирлатган ва “Низомия”га “ал-Мактуб ан-Носирия ан-Низомия” номи билан танилган янги қўшимчалар киритган деб ҳисобланади. Бу кутубхонанинг бойишида хизмат кўрсатган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Аббосий халифа ал-Мустансир (1226-1242) даврида кутубхоначи ва тарихчи бўлиб ишлаган Ибн Соъий (1197-1275) ўзининг қимматбаҳо асарлар мажмуасини шу кутубхонага васият қилган. Худди шундай, ҳадис ҳофизи ва тарихчи Ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий (1183-1245) ҳам бу кутубхонага қиймати 1000 динар бўлган қўлёмаларини берган ва Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Аздий Табарий ҳам кўп китоблар ҳадя қилган (Ibn Imod., 1345:226).

Бу кутубхонанинг келажаги айна вақтда мадраса келажаги билан ҳам боғлиқ бўлган. Кутубхона ҳам мадраса каби ўзгаришлар ва фалокатларга учради. Ибн ал-Баттута (1160-1233/34), бу кутубхонанинг буткул вайрон бўлишидан аввал 510/1116 йилда катта ёнғинда қолганини ва китоблар жасур талабаларнинг саъйи-ҳаракатлари билан асраб қолинганини зикр этади (Ibn Esir., 1991:X:197).

Вазир Низомулмулк мадрасани Бағдодда қурган вақт, шахсан ўзи ва унинг сулоласидан бўлганлар бу кутубхонанинг шарафли бошқарувчилари этиб танландилар. Бу кутубхона, ҳаётлик чоғида Вазир

Низомулмулк, унинг вафотидан кейин эса ворислари тарафидан танланган юксак бир маъмур “ноиб” тарафидан бошқарилган. “Низомия”да “ноиб”, устоз (ректор) ва унинг ёрдамчиларидан ташқари, бухгалтер (бош ҳисобчи), кутубхона мудирлари ва намозни адо қилдирувчи имом ҳам бўлган. “Низомия” кутубхонасига Ақромиддин Абу Саҳл, Иброҳим ибн Шайбон Нуфайли, Али ибн Аҳмад ибн Бакрий, Али ибн Абдуллоҳ Бақиллом; Абдулқодир Воситий ва Умар ибн Абу Бакр Даббослар мудирлик қилганлиги манбаларда сақланиб қолган (Ibn Asâkir., 1345:II:217).

“Низомия” мадрасаси тавсифини тарихчи ва адабиётчи Маҳмуд Шукрий Алусий (1857-1924) нинг 1336/1927 йил Бағдодда нашр этилган “Тарих-и масажид ал-Бағдод ва асоруҳа” асари яхши ёритиб берган. Муаллиф шундай дейди: “Амир Маржон ибн Абдуллоҳ” 758/1357 йилда жомеъ ва мактабни, “Низомия” мадрасаси тархига асосланиб, тошдан икки қаватли қилиб қурди. Биринчи қаватдан пастда, киришда ўнг тарафда икки хона бўлиб, улардан биринчиси куттаб сифатида ишлатилган; бироз юрилгач, кудукнинг чап тарафида асосий зал ва унинг асосчисининг мозори, биринчи қаватга олиб чикувчи зина, узун холл (йўлак), кутубхона ва бошқа хоналар ўқувчиларга ажратиб берилган. Дарслар ўқувчиларга залда (катта аудиторияда) ўтилган” (Âlûsî Mahmûd Şükrî., 1927:65).

Квадрат шаклида, катта боғ билан ўралган “Низомия” мадрасасининг бир неча кенг конференс заллари ва дарсхоналари, омбор ва озик-овқат захиралари сифатида ишлатилган ертўла, битта ҳаммом ва битта ошхонаси бўлган (Massignon L., 1910-12:120). Афсуски, Алусий мавзу билан боғлиқ манбаларни кўрсатмаган ва булардан нусха олган ироқлик адиб ва тарихчи ал-Аззовий (1890-1971) ҳам уларнинг манбаларини билмаслигини таъкидлаган (Abbas el-Azzâvî., 1935:86).

“Низомия” мадрасасининг жойлашуви ва унинг қолдиқ излари. “Низомия” мадрасаси Бағдоднинг Русофа вилоятида, Дажланинг шарқий қисмидаги “Сууқ ас-Салоса”нинг ўртасида қурилган. Қаршисида, шаҳарнинг умумий майдони жойлашган. Атрофида Вазир Низомулмулк Бағдодга келган пайт ўзи ва болалари учун қурдирган сарой ҳам бор. Унинг яқинида, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий яшаган Абу Саъд таккаси ҳам мавжуд (Âlûsî Mahmûd Şükrî., 1927:65).

Машҳур мусулмон сайёҳи Ибн Баттута (1304-1368/69) “Сууқ ас-Салоса”нинг марказидаги мактабни аниқлаган ҳолда, бу жойлашувни тасдиқлайди (Ibn Batuta., 1853-59:131). Биз учун

мухими “Суук”нинг қаерда бўлгани. Француз шарқшуноси Луи Массигнон (1883-1962): “Суук ас-Салоса” бугун ҳам мавжуддир. У “Маржония” жомеъси жабҳасидан “Суук ас-Соға”га қадар кетган кўчаларда жойлашган”, дейди. Ибн Баттута XIV аср бошида уни зиёрат қилган ва “Атрофи ўралган майдонга “Суук ас-Салоса” дарвозаси номини берган шу бозордир” дейди (Massignon L., 1910-12:92).

Британиялик шарқшунос Гай леСтрэйнж (1854-1933), ўша давр ҳужжатларига таянган ҳолда “Низомия”нинг ҳақиқий ерини аниқлашга ҳаракат қилган бўлсада, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Унга кўра, “Бу мадраса, халифаларнинг саройларига қадар чўзилган, Бағдоднинг “Баб ал-Азаж” маҳалласи ва Дажла соҳили орасидадир”, дейди. Лекин бу фикр ҳеч бир ерда кўрсатилмаган. Бироқ, “Низомия” “Машраъа”нинг ёнида бўлган, деб айтилган (Strange G., 1922:297).

Луи Массигнон ле Стрэнж айтган фикрларни билдиргандан кейин шундай дейди: “Эслатиб ўтиш керакки, “Низомия”нинг вазияти ҳақида қози Али Алусийнинг дўстига ёзилган ва Ибн Усайбиъанинг нашр этилмаган икки матнига кўра, XIII асрнинг охири тиббиёт уйи бўлган “Амин ад-Давла”нинг бир томони “Низомия”га ва бошқа томони “Баб ал-Ғараба”дан (буюк халифа саройининг ҳукм дарвозаси) то Дажлага қадар чўзилган “Машраъа” устида жойлашган “Суук ал-Итр”дарвозасига қадар бўлган деган натижа ҳосил бўлади. “Низомия”ни “Суук ал-Итр” ва Дажла орасидан эмас, балки “Суук ал-Итр”нинг шимолидан кидириш лозим бўлади” (Massignon L., 1910-12:29), дейди.

Барча бу таърифлар ва маълумотлар бизга бугунги Бағдоддаги мадрасанинг чегараларини белгилаш имконини бермайди. Шу билан бирга, мадрасанинг “Суук ас-Салоса”да бўлгани, Дажлага қадар узанган бу бозорнинг “Суук ал-Итр”да экани, савдо турига қараб номланган бурилишлар бўлгани ифода этилади. Бу бурилишлардан бири “Суук ан-Низомия” номи билан танилган “Суук ал-Итр”нинг шимолидадир. Бошқа тарафдан, тарихчиларнинг катта қисми миноранинг қолдиқларидан “Низомия”нинг қолган изларини топиш мумкинлиги ҳақида ҳамфикрдирлар. Ҳароба ҳолида бўлган эски миноранинг қолдиқлари, “Баб ал-Оғо” маҳалласида “Дарб ал-Мактуъа” номи берилган кўчада ёки “ал-Мактум”да ёки “Дарбу Маҳмуд Абул Хосс”да жойлашгандир (Mahmud Asad., 1999: 44).

“Низомия” мадрасасининг йўқ бўлиб кетиши. “Низомия” мадрасаси вазир Низомулмулк ва унинг авлодлари вафотидан кейин тез фурсатда регрессга

(ортга кетиш) учради. Бунинг икки сабаби бўлиши мумкин: биринчиси, халифа Мустансирнинг (ваф. 636/1242) “Низомия” мадрасаси даражасидаги “Мустансирия” мадрасасини қуриши эди. “Низомия”нинг ўқувчилари шахсан халифанинг ҳимояси остида бўлган мадрасада таҳсил олишни афзал кўрганлари туфайли “Низомия”нинг талабалари сони камайди. Кейинроқ тошқин ва ёнғинлар сабабидан моддий зарар кўрди. Гарчи, “Низомия” мадрасаси 504/1110 йилдаги ёнғин сабабидан вайрон бўлган бўлса-да, қайта тикланган эди (Strange G., 1922:297).

641/1243, 646/1249 ва 652/1254 йилларда Дажла дарёсининг тошиши сабабидан уч маротаба вайрон бўлган “Низомия” мадрасаси, ҳар бир тошқиндан кейин қайта тикланди. Мадраса 670/1272 йилда атрофидаги барча бозорларни вайрон қилган ёнғинда ҳам қолди. Олим, фақиҳ ва мударрис Жувайний (1027-1086)нинг амрига мувофиқ вайроналар орасидан ушбу мадраса яна қайта қурилди (Ibn Fuvet., 1351:233, 371). Асосийси бу бинонинг қайси асрга қадар мавжуд бўлганини билишдир. Лекин ҳеч бир ҳужжат бу мадрасанинг ҳиж. IX/XV асрдан кейин мавжуд бўлганини ривоят қилмаган. Гарчи Жалолиддин Бистомий (ваф. 794/1391) “Низомия” мадрасасига ректор ёрдамчиси (Ibn Hacer Askalâni., 326), Муҳаммад ибн Окулий (ваф. 797/1395) ректор ва Ферузободий эса (ваф. 817-18/1414-15) бу даврда шу ерда таҳсил олган бўлсалар ҳам (Ibn Imâd., 1345:IV:126, 351).

“Низомия” мадрасасининг йўқ бўлиб кетиши санаси борасида, илк манба Маҳмуд Алусийнинг (ваф. 923) асари ҳисобланади. Алусий отасининг ҳеч қачон “Низомия” мадрасасини кўрмаганини нақл қилади. Р.П.Анастас эса: “XV аср ўртасида Бағдодни зиёрат қилган олмон сайёҳи “Neibuhg” газетасида, аббосийлар даврига оид барча ҳаробаларни зикр этишига қарамай, “Низомия” мадрасаси вайроналари ёки қолдиқлари ҳақида гапирмаган”. Демак, “Низомия” мадрасаси XV асрнинг охири ёки XVI асрнинг бошларида турклар бошқаруви давридаёқ йўқ бўлиб кетган деган хулосага келишимизга асос бўлади.

ХУЛОСА

Салжукийлар давридаги маънавий-маърифий ва маданий соҳаларда амалга оширилган ишлар ўз даври учун таракқиётнинг улкан чўққисини ташкил этган. Салжукийлар даврида минглаб жомеълар, юзлаб мадрасалар ва таълим масканлари қурилди. Давлат, қолаверса, амалдорларнинг ўзлари бунга

хомийлик қилдилар, илмга ва олимларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар.

Бунинг натижаси ўлароқ мамлакат гуллаб яшнади, таълим тараққий қилди, халқ маърифатли, кишилар эса зиёли бўлиб боравердилар. Ўлканинг ҳар тарафида бепул ва илк маротаба идрор (стипендия) асосидаги таълим тизими жорий этилди. Ҳаттоки, энг оддий оиланинг фарзанди ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса салжуқийлар салтанатидаги тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор бўлганлигидан даракдир.

“Низомия” мадрасалари ўзининг нуфузи, олимлари, талабалари ва ҳатто илмни амалиёти билан жорий этганликлари учун ҳам тарихда салмоқли из қолдирдилар. Табиий фанларнинг амалий ифодаси сифатида астрономия дарслари расадхоналар ёнида, тиббиёт фани эса доруш-шифолар ёнида ташкил этилди. Бу эса ўз соҳаси бўйича малакали мутахассисларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлади. Аҳамиятлиси шундаки, Буюк Салжуқийлар давлати Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетганлигига қарамай, тўғри ташкил этилган таълим тизими ўз тараққиёт йўлидан бораверди ва илм ҳам ривожланишдан тўхтамади.

Бунинг натижасида ўзларини Салжуқийларнинг ворислари деб билувчи Усмонли турклар ҳам таълимда айнан шу усулдан фойдаланиб, олти аср давомида мусулмон умматига зиё улашди. Қолаверса, кейинчалик, пайдо бўлган Ғарб давлатларидаги университетлар Салжуқийларнинг “Низомия” мадрасасидан андоза олган деган фикрлар ҳам мавжуд. Бундан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги кунимизда амалда бўлган таълим устуворлиги сиёсати бизга аждоқларимиздан мерос ва биз авлодлар уларга муносиб ворис бўлишимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abbas el-Azzâvî. (1935), el-Irak Beyne'l-İhtilaleyn. Bağdat, II Cilt, -S. 186.
2. Âlûsî Mahmûd Şükrî. (1927), Târîhu mesâcidi Bağdâd va Asâruhâ, Bağdat. -S. 102
3. Asnavi. (1930), Tabakâtu'sh-Shâfiyye. Yazma, Şam. Zahiriye Kütüphanesi, -S. 214.
4. As-Safâdi. (1931), Vâfi Bi'l-Vefeyât. İstanbul, I Cilt, -S. 122.
5. Baharzi. (1930), Dumyatu'l-Kasr va arat Ahi al-Asr. Halep, -S. 216.
6. Wüstenfeld F. (1870), Imam Esch-Schafii. Cotingen, III Vol, -P. 90.
7. Guy Le Strange. (1922), [Baghdad during the Abbasid Caliphate](#). Oxford, -P. 297.
8. Dubaysi. (1978), Zeyl Tarih-i Bağdat. Yazma, Paris Milli Kütüphanesi, No. 5922, -P. 172.
9. Encyclopedie de l'Islâm. (1908), Paris. -P. 413.
10. Huart Cl. (1931), Histoire de la Litterature Arabe. Paris, -P. 182.
11. Ibn Esir. (1991), el-Kamil fit tarih. Bahar basimevi. İstanbul. X Cilt, -S. 180.
12. Ibn Fuveti. (1351), el-Havâdisul-Câmi'a. Bağdad, -S. 371.
13. Ibn es-Sa'i. (1352), Tarihu Bağdad. Bağdad. -S. 297.
14. Ibn İmâd. (1345), Şezerâtu'z-Zeheb. Kahire, X Cilt, -S. 351
15. Ibn Asâkir. (1329-45), Tarihu Dimaşk. Damas, VII Cilt, -S. 217.
16. Ibn Hacer Askalâni. (1345), İnbâ'ü'l-ğumr bi-ebnâ'i'l-'umr, Yazma, Şam Zahiriye Kütüphanesi, 326 varak.
17. Ibn Batuta. (1853-59), Rihle, Paris. IV Cilt, -S. 131.
18. İbrahim Kafesoğlu. (1996), Türk Milli Kulturu. Boğazici Yay. İstanbul -S. 373.
19. İbrahim Kafesoğlu. (1972), Selcuklu Tarihi, M.E.B. Basimevi, İstanbul -S. 174.
20. İmadüddin Isfehâni. (1900), Zubdatu'n-Nusra ve Ustratu'l-Fitra Devletü'l-Selçuk, Kahire, -S. 45.
21. Mevdudi. (1971), Selcuklular Tarihi, Çev Ali Genceli, Hilal Yay., Ankara -S. 133.
22. Mahmud Asad Talas. (1999), Nizamiyye Medresesi ve İslâm'da Eğitim Öğretim. Etüt yayınları. Çev. Sadık Cihan. -S. 240
23. Massignon L. (1910-12), Mission En Mesopotamie. Paris, II Cilt, -S. 120.
24. Mez A. (1937), The Renaissance of Islam. К.Бунш ва Марполиус таржимаси, Лондон. -Б. 172.
25. Mukhamedov, Nematullo (2020) «ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAH) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss3/1> P. 4-15
26. Subki. (1324), Tabakâtu'sh-Shâfiyye, IV Cilt, Kahire, -S. 214.
27. Turan Osman. (2015), Selcuklular Tarihi ve İslam Medeniyeti. Ötüken, İstanbul. -S. 312.
28. Çelebi Ahmet. (1983), İslâm'da Eğitim ve Öğretim Tarihi. Çev Ali Yardım, Damla Yay. İstanbul -S. 108.
29. Şeker Mehmet-Genç Süleyman. (1999), Türk Medeniyet Tarihi,. Editör. Nesimi Yazici, Anadolu Üniv Yay. Eskişehir -S. 156.
30. Шотибий. (1939), Мухтасар Табақот ал-Ҳанабила, III том, -Б. 370.
31. Yurdaydin Hüseyin. (1982), İslam Tarihi Dersleri. Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Yayınları, Ankara -S. 163.
32. Ёкут. (1323), Муъжам ал-Удабо. Иршод, Қоҳира. VI, -Б. 514.

REFERENCES:

1. Abbos al-Azzoviy. (1935), al-Iraq Bayna'l-Ihtilalayn. II Jild, Bag'dod, -B. 186.
2. Alusiy Mahmud Shukriy. (1927), Tarihu masacidi Bag'dod va Asoruh. Bag'dod, -B. 102.
3. Asnaviy. (1930), Tabaqot ash-Shafiyya, qo'lyozma, Shom. Zohiriyya Kutubxonasi, -B. 214.
4. As-Safodiy. (1931), Vofi Bi'l-Vafayot. I Jild, Istanbul, -B. 122.
5. Boharzi. (1930), Dumyat u'l-Qasr va arat Ahi al-Asr. Halab, -B. 216.
6. Vyustenfeld. (1870), Imom ash-Shofeiyy. III Jild, Kotingen, -B. 90.
7. Gay LeStreynj. (1922), Abbosiylar davrida Bag'dod. Oksford, -B. 297.
8. Dubaysi. (1978), Zayl Tarih-i Bag'dod. Qo'lyozma, Parij Milliy Kutubxonasi, No. 5922, -B. 172.
9. Islom Ensiklopediyasi. (1908), Parij. -B. 413.
10. Hart Klemen. (1931), Arab adabiyoti tarixi. Parij, -B. 182.
11. Ibn Asir. (1991), al-Kamil fit Tarih. Bahor nashriyoti. Istanbul. X Jild, -B. 18.
12. Ibn Fuvati. (1351), al-Havadis ul-Cami'a. Bag'dod, -B. 371.
13. Ibn as-Soiy. (1352), Tarihi Bag'dod. Bag'dod. -B. 297.
14. Ibn Imod. (1345), Shazarot uz-Zahab. X Jild, Qohira, -B. 351
15. Ibn Asokir. (1329-45), Tarihu Damashq. VII Jild, Damashq, -B. 217.
16. Ibn Hajar Asqaloniyy. (1346), Inba ul-G'umr bi-abna al-Umr, Qo'lyozma, Shom Zohiriyya Kutubxonasi, 326 varoq.
17. Ibn Battuta. (1853-59), Rihla. IV Jild, Parij. 1288, Qohira, -B. 131.
18. Ibrohim Kafesog'lu. (1996), Turk Milliy Madaniyati. Bog'oziji nashrlari. Istanbul. -B. 373.
19. Ibrohim Kafesog'lu. (1972), Saljuqiylar Tarihi. M.E.B. nashriyoti, Istanbul. -B. 174.
20. Imoduddin Isfahoniyy. (1900), Zubdatu'n-Nusra ve Usratu'l-Fitra Devletu'l-Selçuk. Qohira, -B. 45.
21. Mevdudi. (1971), Saljuqiylar Tarihi. Tarj. Ali Ganjali, Hilol nashriyoti. Anqara -B. 133.
22. Mahmud Asad Talas. (1999), Nizomiyya Madrasasi va Islomda Ta'lim. Etut nashrlari. Tarj. Sodiqlahon. -B. 144
23. Massignon L. (1910-12), Mesopotamiya Missiyasi. II Jild, Parij, -B. 120.
24. Mez A. (1937), Islom Renessansi. K.Bush va Margolius tarjimas. London -B. 172.
25. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/1_P.4-15
26. Subkiy. (1324), Tabaqot ash-Shofiyya. IV Jild, Qohira, -B. 214.
27. Turan Osman. (2015), Saljuqiylar Tarihi ve Islam Madaniyati, Otuk nashriyoti, Istanbul. -B. 312.
28. Chalabiy Ahmad. (1983), Islomda ta'lim va tarbiya tarihi. Tarj. Ali Yardim, Damla nashrlari., Istanbul -B. 108.
29. Shakar Mehmet-Gench Sulaymon. (1999), Turk Madaniyati Tarihi. Tahrir. Nasimiy Yaziji, Onadoli Universiteti nashrlari. Eskishahar. -B. 156.
30. Shotibiy. (1939), Muxtasar Tabaqot al-Hanabila, Shom, -B. 37.
31. Yurdaydin Husayin. (1982), Islam Tarihi Darlari. Anqara Universiteti Ilohiyot Fakulteti nashrlari, Anqara -B. 63.
32. Yoqut. (1323), Irshod. Qohira. VI Jild, -B. 514.